

EXPRESSION OF RESPECT FOR THE PERSONALITY OF ABU HANIFA IN MANOKIB

Matibaeva Razia Baltabaevna

Associate Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan, Ph.D.

Abstract: The life and work of Imam A'zam Abu Hanifa Nu'man ibn Thabit, his scientific activity has been studied and is being studied a lot. In Uzbekistan, there is a comprehensive study of his work.

Imam A'zam was an independent jurist and had an independent way of thinking [1: 5]. There is no person in the history of Islamic jurisprudence who has been praised and studied as much as Abu Hanifa.

МАНОҚИБЛАРДА АБУ ҲАНИФА ШАХСИЯТИГА ЭҲТИРОМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Матибаева Разия Балтабаевна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, т.ф.д.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг ҳаёти ва ижоди, илмий фаолияти жуда кўп ўрганилган ва ўрганилмоқда. Ўзбекистонда унинг ижодини ҳар томонлама ўрганиш йўлга қўйилган.

Имоми Аъзам мустақил фақиҳ бўлиб, ўз фикрида мустақил йўлга эга бўлган [1:5]. Ислом фикҳи тарихида Абу Ҳанифадек энг кўп мадҳ қилинган ва ўрганилган шахс учрамайди.

Бухорода асосий илмий фаолиятини олиб борган йирик ханафий олимларидан бири Шамсул-аймма Сарахсий (ваф. 1090 й.) ўзининг «ал-Мабсут» асарида келтиришича, олимлардан бири Рабиъ ибн Юнус шундай ҳикоя қилади:

«Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ амир ал-мўъминин Абу Жаъфар Мансурнинг (754-775) ҳузурига кирди. Мансурнинг ёнида ўтирган Исо ибн Мусо деди: – Эй амир ал-мўъминин, бу киши бутун дунё олими. Мансур сўради: – Эй, Нўъмон, илмни кимдан олдинг? Нўъмон ибн Собит деди: – Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббосларнинг соҳибларидан. Ибн Аббоснинг замонида ер юзида ундан бўлак билимдонроқ киши бўлмаган. Мансур: – Ишончли илмни эгаллабсан, - деди [2:31].

Абу Ҳанифанинг тўрт минг шайхдан дарс эшитгани [1:34], айниқса, унга тобиийлардан чиққан имомлар ва бошқалар устозлик қилгани, унинг ҳадис ҳофизларининг катталаридан эканлигидан далолат беради. Агар ҳадисларга кўп эътибор бермаганида фикҳ масалаларини бунчалик истинбот қила олмас эди. Абу Ҳанифа биринчи бўлиб далиллар билан истинбот қилди. У масала айтаётганида ҳадисларни ошкора қилиб айтмаслигидан ҳадисларга суянмайди, деган хулосага келмаслик керак.

Абу Ҳанифа ўз асри имомлари орасида биринчи бўлиб усул бўлимларида истинбот қилган олимдир.

Албатта, Абу Ҳанифа ўз мазҳабини барпо қилишда Умар томонидан Куфага юборилган Абдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳам Қуръони карим ва ҳадисларга бўлган қарашларини ўзлаштирган ҳамда унинг йўлини тутган. Чунки, Абдуллоҳ ибн Масъуд Куфада раъй ва қиёсга қараб иш кўрган. Шунинг учун уни фикҳнинг асосчилардан деб аташган [3:59].

Абу Ҳанифанинг юксак даражадаги фақиҳ бўлганлигини аксарият олимлар эътироф этганлар ва кўплаб манбаларда таъкидланган.

Хоразмий куйидаги ривоят орқали Абу Ҳанифанинг фикҳ илмида ҳамда одоб-ахлоқда тенги йўқ инсон эканини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Асарда ривоят қилинишича, Фудайл ибн Иёд куйидаги фикрни айтади:

– Абу Ҳанифа фикҳ илмининг билимдони – фақиҳ бўлиб, тақводорлиги билан машҳур, мол-мулки кўп экани билан танилиб, кеча-кундуз таълим олиш билан машғул эди, кўпинча жим юрар, кам гапирар, ҳалол ва ҳаромга оид масалада жавоб берар, султон томонидан бериладиган молдан қочар эди [4:70].

Абу Ҳанифа ўзининг фикҳдаги ўрнини ўзи кўрсатиб берган. Масалан, «Агар Муҳаммаддан ҳадис келса, уни бошқасига алмаштирмаган ҳолда оламиз, агар саҳобийлардан келса, уни танлаб оламиз, агар тобиийлардан келса, биз улар билан мусобақалашамиз», – деган [4:71]. Бу билан Абу Ҳанифа ўзининг «насс», яъни Қуръони карим оятларига эътибори кучли бўлиб, уларсиз ҳукм чиқармаслигига ишора қилган. Айтилган сўздан яна шуни англаш мумкинки, Имом Абу Ҳанифа ҳам тобиийлардан бўлиб, улар билан рақобатлашиш салоҳиятига эга бўлган.

Хоразмий Абу Ҳанифа сиймосининг ижобий томонларини кўрсатиш жараёнида унинг ҳар бир саволга ҳозиржавоб эканини алоҳида таъкидлаб, уни ҳар бир саволни жавобсиз қолдирмай тезда жавоб берувчи олим эканини кўрсатиб берган.

Бир одам Абу Ҳанифадан сўради:

– Жаннатдан умид қилмайдиган, Аллоҳдан ва дўзахдан кўркмайдиган, ўлимтикни ейдиган, рукуъ ва саждасиз намоз ўқийдиган, кўрмаган нарсасига ишонадиган, ҳақни ёмон кўриб, фитнани яхши кўрадиган киши ҳақида нима дейсиз, – дейди.

Абу Ҳанифа ўз асҳобларига қараб, саволнинг жавобини сўрайди. Баъзилар уни куфр келтирган десалар, баъзилари жим қоладилар. Шунда Абу Ҳанифа:

– У киши жаннатдан умид қилмайди, балки Аллоҳ таолодан жаннатни умид қилади, у дўзахдан эмас балки дўзахнинг эгасидан кўрқади, Аллоҳдан кўркмаслиги эса унинг Одил ва барча нарсанинг устидан Ҳукмрон бўлган бу Зот унга зулм қилади деб кўркмайди, ўлимтикни, яъни сувдан чиққан балиқни ейди, рукуъ ва саждасиз намозни, яъни жаноза намозини ўқийди, кўрмаган нарсасига «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир» деб гувоҳлик беради, ҳақни, яъни ўлимни ёмон кўради ва ундан қочади, фитнани, яъни мол-дунё ва бола-чақани яхши кўради, – деди.

Шунда ҳалиги киши ўрнидан туриб, Абу Ҳанифанинг бошидан ўпди ва шундай деди:

– Гувоҳлик бераманки, сиз илмни тушунадиган киши экансиз, сизга айтган сўзларим учун Аллоҳга истиғфор айтаман (яъни узр сўрайман)» [4:91].

Ушбу ривоят орқали Хоразмий Абу Ҳанифанинг нафақат фикҳий масалаларни, балки айтилган нарсаларнинг ботиний томонларини ҳам яхши билишини кўрсатишга [4:117] урғу берган. Бу билан муаллиф Абу Ҳанифанинг мистик-суфиёна илмлардан ҳам хабардор экани маълум бўлади.

Хоразмий Абу Ҳанифанинг ҳозиржавоблиги билан бирга, унинг ривоятларни қабул қилишида ровийларнинг илми, фикҳи, тақвоси ва даражасига ҳам алоҳида эътибор берганини таъкидлаб ўтган.

Хоразмий ўз асарида Абу Ҳанифанинг балоғат билан айтган жумлаларини ҳам келтиради. Масалан, Абу Ҳанифа: «Агар фақиҳлар ва олимлар дунё ва охиратда Аллоҳнинг авлиёси бўлмаса, унда Аллоҳнинг валийлари йўқдир», – деган [4:340]. Бу ривоят орқали валий бўлиш учун аввало фақиҳ бўлиш лозимлигини тушуниш мумкин. Шунингдек, баъзи сўфийлар учун диний билимларни – Қуръони карим ва тафсир, ҳадис, ақида ва фикҳни билган кишигина энг етук ҳаким бўлиши айтиб ўтилган [5:106]. Демак,

Абу Ҳанифанинг фикрича, фақиҳ ва олимлар авлиё деб, авлиё деганда эса фақиҳ ва олимлар тушунилиши керак.

Абу Ҳанифа илм олишда ҳолислик йўлидан боришга чақириб: «Ким дунё учун илм ўрганса, унинг баракаси бўлмайди, қалби тушунмайдиган бўлади, кўп нарса ҳам унга озгина бўлса-да ёрдам бермайди. Кимки илмни дин учун ўрганса, унинг илми баракали ва қалби тушунадиган бўлади, эгаллаган илмидан фойда олади», – дейди [4:349].

Абу Ҳанифа ўзининг қозиликни рад қилишига бўлган сабабларни ҳам айтиб, «ким қози бўлса, у денгизда чўкаётган одамга ўхшайди. Агар сузишни билса, қачонгача сузаркин», – деган. Эҳтимол, Абу Ҳанифа қози бўлиб ишлашни денгизда чўкаётган одамга ўхшатишида унинг нотўғри ҳукм чиқаришини назарда тутган бўлиши мумкин. Тарихда Абу Ҳанифадан ташқари Фақиҳ Исо ибн Мусо Ғунжор Таймий ва Имом Доримий каби олимлар ҳам қози бўлиш таклифларини рад этганлари борасида маълумотлар мавжуд [6:172].

Абу Ҳанифанинг истинботда Қуръони каримдан кейинги таянадиган, иккинчи манбаси Сунна ҳисобланган, чунки Қуръони каримнинг Ҳашр сураси 7-оятида «Расулulloҳ сизларга нимани олиб келган бўлса, олинглар, нимадан қайтарган бўлса қайтинглар», – дейилган. Бошқа, томондан Сунна Қуръони каримнинг шарҳи сифатида ҳам ишлатилади.

Қуръони каримнинг бир ояти бошқасининг ҳукмини мансух қилишда (ўчириш) олимлар орасида ихтилоф йўқ. Шунингдек, Суннанинг Сунна билан мансух қилишда ҳам ихтилоф йўқ. Лекин Қуръони карим Суннани ҳукмини ўчиришида ихтилоф бор. Жумҳур олимлар Қуръони карим Суннанинг ҳукмини ўчиради, деганлар. Бунга қуйидагини мисол қилиб келтирадилар.

Абу Ҳанифанинг устозлари ва уларнинг фикҳий услублари ҳақида тўхталсак. Алқама ибн Қайс Нахайй (ваф. 60-61 й.) Абдуллоҳ ибн Масъудни энг яхши биладиган кишилардан бўлган. Абдуллоҳ ибн Масъуд эса Куфа муаллими ва агар бирор масалага жавоб беришда «унга ўз раъйим билан жавоб бераман, агар тўғри бўлса, Аллоҳдан, агар нотўғри бўлса, мендан», – деб айтар эди. Шунингдек, Пайғамбарга ҳадисни боғлашдан кўра ўз ижтиҳоди билан фатво беришни афзал кўрар эди.

Амр ибн Маймун ривоят қилади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд билан ўн саккиз ой бирга бўлдим, ундан Пайғамбардан ривоят қилган биргина ҳадисдан бошқасини эшитмадим» [7:56]. Абдуллоҳ ибн Масъуд билан бирга бўлган кишиларнинг бир нечаларидан «ҳадис унда тугади, Пайғамбардан ҳадис ривоят қилмади», «бошқалардан ҳадис эшитиб қолса, ўзгариб кетар эди», «ҳадис ривоят қилишдан ўзини сақларди» каби ривоятларни келтириш мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳадис айтишда жуда ҳам эҳтиёткорлик йўлини тутган. Озгина бўлса ҳам хато қилиб қўйишдан ўзини сақлаган. Бу ҳолатни Абу Ҳанифага солиштирадик, у ҳам ўз устозининг йўлини тутган ва биринчилардан бўлиб раъй ва қиёс оммавий тарзда ишлатган бўлиб чиқмоқда.

Маълумки, Абу Ҳанифа Ироқ ҳокими ибн Хубайра таъкибидан қочиб, Маккага кетган [8:90]. Аббосийлар ҳокимият тепасига келгач, Ироққа қайтиб, уламолик фаолиятини давом эттирган. Халифа Мансур (754-775 йй.) унга янги пойтахт Бағдодда қозилик ёки бошқа истаган юксак лавозимни таклиф қилган. Бироқ Абу Ҳанифа бу таклифни қатъиян рад этган. Шунда Мансур уни қамаб, турли қийноқларга солган. Кўп ўтмай, Абу Ҳанифа Бағдодда вафот этган [8:95].

Тарихдаги барча диний уламолар ҳаётида бўлгани каби Абу Ҳанифа баъзи муҳаддислар томонидан танқид қилинган бўлса ҳам, аксарият фақиҳлар, олимлар томонидан мадҳ қилинган.

Яҳё ибн Маин: «Абу Ҳанифа ҳадисни фақат ёддан билганини айтар, ёддан билмаса, айтмас эди», «у бизнинг наздимизда ростгўйлардандир», - деб маълумот беради.

Абдуллоҳ ибн Муборак: «Абу Ҳанифа одамларнинг энг фақиҳидир» [8:137], Харибий: «Абу Ҳанифага фақат ҳасадчи ва жоҳил айб қўяди», Имом Шофеъий эса: «Одамлар фикҳда Абу Ҳанифанинг болаларидир», - деган, мактовга лойиқ фикрларни келтирганлар.

Абу Ҳанифа фикҳни «Илм ва фикҳнинг конида эдим, унинг эгалари билан бирга бўлдим, уларнинг (фақиҳларнинг) бири бўлдим», - деб айтган. Бошқа томондан эса, Абу Ҳанифа кўплаб ислом мамлакатларига саёҳатлар қилган ва мана шу сафарлари чоғида ўз малакаси, илмини оширган. У Маккада яшаган даврида Қуръони каримни Абдуллоҳ ибн Аббос шогирдларидан ўрганган. Илм талабида сафарга чиқиш муҳаддисларнинг одатлари ҳисобланган. Бу эса Абу Ҳанифанинг ҳадисларни мукамал билганлигига далил бўла олади.

Ҳанафий олимлари кейинги даврларда ўз мазҳабларига бўлган туҳматлар ва турли кўринишдаги, айниқса ҳадисшунослик соҳасида бўлган курашлар натижасида ҳимояланишларига тўғри келдилар. Натижада ҳанафий олимларининг ҳадис тўпламлари, ҳадис илмига оид китоблари пайдо бўла бошлади.

Адабиётлар:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Ал-Мабсут. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 2001. – Т. 1. – 425 б.
2. Абул-Муайяд Хоразмий. Ал-Жомийъ ал-масонид. Ж. 2. –Байрут: Дору-л-кутуб ал-илмия, 1980.
3. Ҳусайн Ҳирсовий. Имом Бухорий ва фикҳ аҳл ал-Ироқ. – Байрут: Дору-л-иътисом, 2000.
4. Абул-Муайяд Хоразмий, Имом Муваффақ ибн Аҳмад Маккий. Манокиб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дору-л-китоб ал-илмия, 1981. – 521 б.
5. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: 2004.
6. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. Ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
7. Абул-Муайяд Хоразмий. Ал-Жомийъ ал-масонид. – ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фонди. – Инв. № 4815. – 270в.
8. Муҳаммад Амин Урказий. Масонид Имом Аби Ҳанифа. – Карачи: Қодир барнатак центр, 1978.
9. Matibaeva, Raziya (2019) «Sacralization^[1]traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr», The Light of Islam: 2019 (4), 3.
10. MATIBAYEVA, Raziya (2019) «The development of khanaphism in Mavarannakhr», The Light of Islam: 2019 (3), 16.
11. Matibaeva, R. B. (2019) Redkaya rukopis' po xanafizmu «Manakib Abi Xanifa» / Molodoy ucheniy. — 2019. — No 36 (274). — S. 71-74.^[1]^[SEP]
12. Matibaeva, R. B. (2020) Nauchno-duxovnoe nasledie imama Abu Xanifi / Molodoy ucheniy. — 2020. — No 42 (332). — S. 282-284.
13. Matibaeva, R. B. (2020) Imam Abu Xanifa i teoriya poznaniya / Issledovaniya molodix uchenix: materiali XIV Mejdunar. nauch. konf. –Kazan: Molodoy ucheniy, 2020. – S. 70-71.